

«ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2022 йил 24 март

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2021 молиявий йил якуни бўйича умумий йигилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Темур кўчаси 40 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2022 йил 24 март куни ўтказилди. Йигилишда 1839732 овозга эга 7 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 99,4 % ни ташкил этади, йигилиш ўтказиш хуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,65 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар хокимияти номидан ишончнома асосида Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йигилиши раёсатига бир овоздан қуидагилар сайландилар:

Камолов Т.К. – -Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахасиси.

Ганиев Д.И. – Марказнинг “Деҳқон бозорлари департаменти” бошлиги ўринбосари.
Холжигитов А.К. – «Олой дехқон бозори» АЖ директори в.б.

Йигилиши котибиятига бир овоздан қуидагилар сайландилар:

Каримова М.Ш.

Йигилиши саноқ ҳайъатига қуидаги ходимлар сайландилар:

Каримова М.Ш., Юсупова Ш, Азизова Д.

Йигилишга жамият кузатув кенгашининг аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йигилиш кун тартиби:

1. «Олой дехқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи, жамиятни ривожлантириши стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора тадбирлар тўғрисидаги хисоботларини эшигитиши.
2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиши.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.
4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаши.
5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича фойда ва заарлари ҳисоб варагини тасдиқлаши, унинг фойдаси ва заарларини тақсимлаши.
6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаши.
7. Жамият директорини сайлаши.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаши.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаши.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши.
11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаши ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаши.
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириши киритиш ва тасдиқлаши.

Йигилиш регламенти қуидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йигилиш кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва жамият директори в.б. А.Холжигитовнинг 2021 йил якуни “Oloy dehqon bozori” AJ

бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ҳисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2021 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди, жумладан 2021 йилнинг якуни бўйича ялпи даромад режаси 4294300,0 минг сўм бўлган, амалда 4642476,0 минг сўмга ёки 348176,0 минг сўмга кўп бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 3600400,0 минг сўмни ташкил этиб, амалда 3780496,0 минг сўмга харажат қилинган режага нисбатан 180096,0 минг сўмга кўп харажат қилинган. Соф фойда режаси 107019,0 минг сўм бўлиб, амалда 230322,0 минг сўмга режага нисбатан 98176,0 минг сўмга кўп бажарилганини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори иловасининг 37-бандига асосан кўрсатгичлар СИК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари йилнинг хар чораги якуни бўйича ўрганилганини ва ҳисоботлари тақдим этилганини маълум қилди, (хисобот тўлалигича илова қилинади).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «Konsauditinform» агентлиги аудиторлик компаниясининг 2021 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош ҳисобчиси Шоймардонов М. ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ келиши хақидаги 2022 йил 17 февралдаги ижобий хулоса берилгани хақида маълумот берди (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Ж.Бойсинов йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош ҳисобчиси М.Шоймардонов йигилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташки аудитори «Konsauditinform» агентлиги аудиторлик компаниясининг 2022 йил 17 февралдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;
- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби М.Шоймардонов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ ҳисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.Шоймардонов сўзга чиқиб, 2021 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташки аудитори «Konsauditinform» агентлиги томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2021 йил якуни бўйича олинган 230322,0 минг сўм соф фойдасини куйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

- жамиятнинг аввалги йиллардаги заарни қоплашга 230322,0 минг сўм

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори А.К.Холжигитов сўзга чиқиб, 2022 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йигилганларни таништириди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2022 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбани ташкил этиш йулларини ахтариш кўрсатилганини билдириди, («Бизнес-режа», «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тўлалигича илова қилинади).

Маъruzачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, 2021 йил 15 июнь куни ўtkазилган жамият кузатув кенгашининг навбатдаги йигилиш қарорига мувофиқ жамият директори вазифасини бажарувчи этиб Холжигитов Абдумўмин Кадирович тайинлангани, жамият Кузатув кенгashi томонидан жамият директори вазифасини бажарувчи А.К.Холжигитовнинг 2021 йил якуни бўйича хисоботи маълумот учун қабул қилингани ва жамият Кузатув кенгашининг жамият директори вазифасини бажарувчи А.К.Холжигитов номзодига берилган ижобий хulosасини, жамият директори лавозимига ўрнатилган тартибда танлов эълон қилинганилиги, танлов натижасига кўра битта Холжигитов Абдумўмин Кадировичдан ариза тушганлигини инобатга олиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдаги умумий йигилишида Холжигитов Абдумўмин Кадировични сайлаш масаласини акциядорларнинг навбатдаги йигилишида тасдиқлаш учун овоз бериш бюллетенларига киритиш таклифи берилганилигини билдириди ва йигилиш қатнашчиларини ушбу таклиф билан таништириди.

Кун тартибидаги масала юзасидан савол-жавоблардан сўнг жамият директори в.б Холжигитов Абдумўмин Кадировични жамият директорлигига сайлаш масаласи бўйича акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саққизинчи** масалага ўтиб, 2022 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгashi аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қофзлар бўйича мутахассиси М.Каримова сўзга чиқиб, «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хulosаси билан таништириди.

(«FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг хulosаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан жамият қимматли қофзлар бўйича мутахассис М.Каримова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни»га ўзgartiriшлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини «Oloy dehqon bozori» AJ

тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йигилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун аудиторлик текширувани ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржা савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтди:

1. “REAL AUDIT INFEST” МЧЖ - 4800000 сўм,
2. Агентство “КОНСАУДИТИНФОРМ” МЧЖ - 4400000 сўм.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала бўйича жамиятнинг ходимлари менеджери Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмаси жамият акциядорларининг 2021 йил 24 марта ги умумий йигилиш қарори билан тасдиқланганлиги, бугунги кунга келиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган тегишли ўзгартиришлар билан танишириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ комиссияси томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ комиссияси мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан танишириди.

1-масала Ёқлаган 1839724-99,48%	2-масала Ёқлаган 1839732-100%	3-масала Ёқлаган 1839724-99,48%
Бетараф 8 – 0,52% Карши 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Бетараф 8 – 0,52% Карши 0 – 0,0%
4-масала Ёқлаган 1839732-100%	5-масала Ёқлаган 1839724-99,48%	6-масала Ёқлаган 1839732-100%
Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Бетараф 8 – 0,52% Карши 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%
7-масала Ёқлаган 1839732-100%, Бетараф 0 – 0,0%, Карши 0 – 0,0%		
8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович 1839732 та овоз, 3. Камолов Толмас Каримович 1839732 та овоз, 5. Рazzakov Аҳад Анварович 1839732 та овоз 7. Каримов Малик Рахимович 1839732 та овоз, 8. Каримов Сардор Юлдашбаевич 1839732 та овоз 9. Шерова Дилдора 1839732 та овоз	2. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаев 1839732 та овоз 4. Ганиев Дилмурад Иркинович 1839732 та овоз 6. Алимов Иномжон сайдкулович 1839732 та овоз	1839732 та овоз 1839732 та овоз 1839732 та овоз 1839732 та овоз
9-масала	9-масала Ёқлаган 1839732-100%	10-масала Ёқлаган 1839724-99,48%
1.Ким Олек 2.Ёкубов Новзод Махмуд ўғли 3.Мирасулов Абдухамид Усманович	Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Бетараф 8 – 0,52% Карши 0 – 0,0%
11-масала	12-масала Ёқлаган 1839732-100%	
1.“REAL AUDIT INFEST” МЧЖ 4800.0 минг сўм Ёқлаган 1839724-99,48%, Бетараф 8 – 0,52%, карши 0- 0,0 % 2. Агентство “КОНСАУДИТИНФОРМ” МЧЖ - 3800.0 минг . Ёқлаган 1839732-100%, Бетараф 0 – 0%, карши 0- 0,0 %	Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдириди. Саноқ комиссияи баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Олой деҳқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги хисботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 1839724 та овоз –99,48%, карши – ўйқ, бетараф – 8 та овоз- 0,52 %).

2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хulosаси инобатга олинсин. (ёқлаган 1839732 та овоз – 100%, қарши-йўқ, бетараф – йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хulosаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1839724 та овоз – 99,48%, қарши – йўқ, бетараф – 8 та овоз -0,52%).

4. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти якуни бўйича йиллик хисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1839732 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича кўрилган соф фойдасини тақсимланиши тасдиқлансин. 2021 йилда олинган 230322,0 минг сўм соф фойда аввалги йиллардаги зарарни қоплашга йўналтирилсин.

(ёқлаган 1839724 та овоз –99,48%, қарши – 8 та овоз-052% , бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1839732 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамият директори этиб Холжигитов Абдумўмин Кадирович акциядорларнинг 2022 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар сайлансин. (ёқлаган 1839732 та овоз–100%, қарши-йўқ, бетараф – йўқ).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қўйидагилар сайлансин:

8.1. Абдураҳманов Музаффар Мирзарахимович	1839732 - та овоз
8.2. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич	1839732 - та овоз .
8.3. Алимов Иномjon Сайдқулович	1839732 -та овоз
8.4. Каримов Малик Рахимович	1839732- та овоз
8.5. Раззақов Аҳад Анварович	1839732 -та овоз
8.6. Камолов Толмас Каримович	1839732 - та овоз
8.7. Ганиев Дилмурод Иркинович	1839732- та овоз
8.8 Каримов Сардор Юлдашбаевич	1839732- та овоз
8.9. Шерова Дилдора	1839732 - та овоз

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Ким Олек, Ёқубов Новзод Махмуд ўғли, Мирасулов Абдуҳамид Усмановичлар сайлансин. (ёқлаган 1839732 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўtkазилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин. (ёқлаган 1839732 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун ташқи аудитор Агентство “КОНСАУДИТИНФОРМ” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган хақнинг энг кўп миқдори 4400,0 минг сўм миқдоригача белгилансин. (ёқлаган 1839732 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгаришлар маъқуллансин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1839732 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Йиғилиш раиси

Т.К.Камолов

Котиб

М.Каримова

Баённома имзоланган сана: 30 март 2022 йил.

“Oloy dehqon bozori” AJ